Жаҳоннинг ягона газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 25 октябрь, чоршанба • № 84 (10.760). • Эркин нархда сотилади.

НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК (23 октябрь). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг БМТнинг эллик йиллигига бағишланган тантанали мажлисида иштирок этиш учун Америкага келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун бир қатор давлатлар раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашди. Чехия Республикаси Президенти Вацлав Гавел ҳамда Украина Президенти Леонид Кучма билан БМТ қароргоҳида бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ислом Каримов шу куни ўзи учун ажратилган қароргоҳда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси раиси Ким У Жунни қабул қилди. Қабул чоғида Асакада мазкур корпорация билан ҳамкорликда қурилаётган автомобиль заводини тезроқ ишга тушириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Президент, шунингдек «Чейз манхеттен банк»ка ҳамда «Америкен интернейшнл груп» кенгашига ташриф буюриб, уларнинг раҳбарлари билан учрашди. Американинг етакчи банкларидан бири ходимлари ҳамда номи зикр этилган кенгаш аъзоларига Ўзбекистон ва унинг бугунги ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар, айниқса, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қиладиган сиёсий барқарорлик тўғрисида гапириб берди. Манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ўзаро мулоқот ва ахборот алмашувини кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Айни пайтда Америка фирма ва молиявий муассасалари вакилларининг Марказий Осиё бозорига кириб бориши суст кечаётганининг сабаби ахборот тақчиллигида эканини таъкидлади.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Чейз манхеттен банк» ўртасида битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва «Америкен интернейшнл груп» ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисида меморандум имзоланди.

Фахриддин НИЗОМ. (ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

24 октябрь куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, бирлашмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди. Мажлисни Республика Бош вазири А. Мутолов бошқарди.

Йиғилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг тўққиз ойлик якунларини баҳолаш ва жорий йил охиригача ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг аҳволи, мазкур товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳамда Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қиш мавсумига тайёргарликни тугаллашига доир ишлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Бош вазир ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажоновнинг мажлис кун тартибига киритилган масалалар юзасидан маърузалари тингланди. Айрим вилоятлар ҳокимларининг, тегишли вазирлик, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИЯСИ

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 24 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

биринчи устун - туманлар, иккинчи устун - бир кунда, учинчи устун - мавсум бошидан буён

Ўртачирчиқ	**0,83**	**113,09**
Оққўрғон	1,10	99,34
Юқоричирчиқ	1,28	93,72
Бўка	1,11	93,22
Бекобод	1,00	93,08
Чиноз	1,16	85,27
Қуйичирчиқ	1,21	83,03
Янгийўл	1,29	82,98
Пискент	1,03	61,14
Вилоят бўйича	**1,07**	**90,78**
***		
1994 йилда бўлган эди	**0,66**	**81,78**

Зангиота тумани янгиликлари

ҲАМ ЗИЁРАТ ҲАМ САЁҲАТ

АМУР ТЕМУР таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан зангиоталик 50 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб саёҳат қилдилар.

— Саёҳатни ташкил этишда, — дейди туман фахрийлар кенгаши раиси Мирза ака Аҳмедов, — бизга Назарбекдаги «Қалдирғоч» ширкати катта ёрдам берди. Ширкат саёҳат учун 20 минг сўм пул ажратди. Фахрийлар Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида бўлиб, бир олам таассуротлар билан қайтдилар.

ҲАЙДОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Илгарилари тумандаги машина ҳайдовчилари тиббий кўрикдан ўтиш учун Қўйлиққа боришга мажбур бўлар эдилар. Сентябрь ойидан бошлаб туман Марказий поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтказувчи хўжалик ҳисобидаги комиссия ўз ишини бошлади. Мазкур янгилик ҳайдовчиларга қулайлик яратди.

1 МИЛЛИОН ДОНА ТУХУМ

«Нур» парранда-наслчилик бирлашмаси жамоаси режадагидан ташқари истеъмолчиларга 1 миллион донадан зиёд тухум топширишди. Бундан ташқари етарли миқдорда парҳез гўшти ҳам етказиб беришди. Бу ишларда товуқбоқарлар З.Аҳмедова, М.Раимова, З.Отамқулова, К.Маҳаматоваларнинг хизматлари катта бўлди.

Саломат ЭШОНОВА.

АҲОЛИ ҲУРСАНД

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида «Назарбек» жамоа хўжалиги марказида рентген ва флюрография хонаси ишга тушди. Унинг хизматидан «Назарбек» ва «Иттифоқ» қишлоқлари аҳолиси фойдаланишади. Шу кунга қадар бу ерлик аҳоли Қўйлиқда жойлашган касалхонадаги рентген ва флюрографияга қатнашар эди.

Э.ЖЎРАБОЕВ.

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 •

Муҳтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябридан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан **«Тошкент ҳақиқати»** учун 1996 йилга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

ДИҚҚАТ, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,
олти ойга — 303 сўм 30 тийин,
уч ойга — 151 сўм 65 тийин,
бир ойга — 50 сўм 55 тийин.

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,
ярим йилга — 258 сўм,
уч ойга — 129 сўм.

Абонент қутичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,
ярим йилга — 216 сўм,
уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассасалар учун ҳам, якка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилгидек — 65672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

Ҳосил - 95

ОҚҚЎРҒОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК САМАРАЛАРИ

Туман пахтакорлари зафар қучдилар. Она-Ватан хирмонига 38650 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Пахта тайёрлаш йиллик режаси ошириб бажарилди, терим давом этмокда

ҲОЗИР ҳар бир жабҳада бир меёр ва бир мезон устивор. Ҳар ким, ҳар бир жамоанинг фаолиятига у амалга оширган ишларнинг салмоғи ва самарасига қараб баҳо берилади. Эндиликда Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан жойларда ишлаб чиқилган тадбирлар ва уларнинг ижроси таҳлил қилинмоқда, якуний хулосаларга келинади. Хўш, туманимиз истиқболининг бош дастури ҳисобланмиш иқтисодий ислоҳотлар қай даражада амалга оширилмоқда, бозор муносабатларига ўтиш тамойиллари қай йўсинда рўёбга чиқмоқда. Жорий йилда бу борада нималар қилинди-ю, қандай натижаларга эришилди? Муаммолар қандай ҳал бўлаяпти?

Туманимиз халқ хўжалигининг устивор соҳаси ҳисобланмиш қишлоқ хўжалигида бу йил маълум ютуқлар қўлга киритилди. Давлатга пилла ва ғалла сотиш режалари ошириб бажарилди. Бугун яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Азамат пахтакорларимиз ўз аҳдларининг устидан чиқдилар. Ватан омборларига 38650 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилиб, йиллик топшириқ ошириб бажарилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга топширилди.

«Озод» жамоа хўжалиги пахтакорлари 1275 тоннадан зиёд пахта сотиб, 12 октябрь куни туман хўжаликлари ичида биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келган эдилар. Йиллик пахта тайёрлаш режасини барвақт адо этган «Гулистон», Охунбобоев номли, «Хонқа» жамоа хўжаликлари, «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси ва С. Сегизбоев номли қишлоқ хўжалик корпорацияси меҳнаткашлари туман ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар. «Озод» жамоа хўжалигидан Й. Талапов, «Гулистон» жамоа хўжалигидан М. Шерғозиев, Ф. Маъдиев, Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан З. Алимов, «Хонқа» жамоа хўжалигидан Р. Тоғаев, Б. Ксенбоев, «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмасидан М. Омонов, К.Жумамуродов, К. Абдиев, С. Сегизбоев номли қишлоқ хўжалик корпорациясидан Р. Ўринбоев, И. Адаменко сингари пахта усталари бошлиқ бригадаларнинг заршунослари меҳнатда шижоат, фидойилик намуналарини кўрсатдилар.

Теримчилар ва механизаторлар ўртасида меҳнат мусобақаси кенг қулоч ёзди. Туманимиз пахта далаларида кунлик теримда 19 мингдан зиёд теримчи, 170 дан ортиқ пахта териш машиналари иштирок этди. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг 2-бригадасидан Моҳира Отақулова ва Ҳурли Хатамовалар мавсумда ҳар бири 8000 килограммга яқин пахта териб, қатор беш кунликларда ғолибликни қўлдан бермадилар. «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмасидан Эгамберди Сулаймонов ва Юсуф Аҳмедовлар ўз машиналари бункеридан мавсумда 160 тоннадан пахта тўкиб, механизаторлик касбини муносиб шарафладилар. Бундай фидойи кишилар номини тумандаги ҳар бир хўжалик, пахтакорларимизга ёрдам бераётган ҳашарчилар орасидан кўплаб кўрсатиш мумкин.

Туманимиз меҳнаткашлари далаларда етиштирилган мўл пахта ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда иштирок этаётган Тошкент, Бўстонлиқ, Оҳангарон туманлари ва Янгиобод шаҳар корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ишчи-хизматчилари, ўқувчи-ёшларидан чексиз миннатдор бўлмоқдалар. Мен уларга туманимиз меҳнаткашлари номидан катта раҳматлар айтмоқчиман.



Маълумки, ҳеч бир ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Пахтакорларимиз бу йилги зафарининг ҳам ўзига хос стратегик йўли ва йўриғи бор. Аввало, туманимизда нав танлашдаги пала-партишликларга чек қўйилди. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар, уста пахтакорлар ва олимлар билан маслаҳатлашиб, баҳорда қисқа муддатларда 3502 гектар майдонга «С—6530» ва 11138 гектар майдонга «С—6524» нав пахта чигити экилган эди. Ўтган йили «С—6530» нав пахта 500 гектарга экилган бўлса, бу йил бундай майдонлар етти баробарга кенгайтирилди.Унинг ҳислати шундаки, бу нав пахтанинг чаноғи 6—6,5 грамм тош босади, «С—6524» дан 1—1,5 грамм салмоқлироқ. Эртапишар, сувни кам талаб қилади.

Ғўза парваришида об-ҳавонинг қулай ва иссиқ келиши ҳисобга олинди. Мўлжалдаги ўғит агротехник муддатларида солинди. Ишлов сифатли ўтказилди, ниҳоллар чанқатиб қўйилмади. Деҳқонларимизнинг меҳнати зое кетмади. Далаларда мўлжалдаги эртаки ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим мавсумига ҳар қачонгидан кўра пухта ҳозирлик кўрилди.

Рағбат изчил йўлга қўйилган жойда иш яхши кетишини тажрибадан биламиз. Ана шуни ҳисобга олиб, ҳукумат қарори асосида теримчи ва механизаторлар меҳнатини рағбатлантиришнинг имтиёзли чора-тадбирларини ишлаб чиқдик ва амалга оширдик. Хўжаликларда касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, қўлда 500 килограмм ва ундан ошириб пахта терган теримчига 50 килограммдан ун, 5 килограммдан ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бериб борилди. Терилган пахта учун вақтида ҳақ тўланди. Бир беш кунликда икки қаторли машинада 50 тонна ва тўрт қаторли машинада 75 тонна пахта терган механик-ҳайдовчига 500 сўмдан 1000 сўмгача рағбатлантирувчи мукофотлар берилди. Шу ва шунга ўхшаш ташкилий, тадрижий ишлар, далада ишлаётганлар учун зарур барча маданий, маиший, меҳнат ва дам олиш шарт-шароитларини яратиб бериш йўлидаги сайъ-ҳаракатлар ғалаба кунини яқинлаштиришга хизмат қилди.

Марра эгалланди, аммо, далаларда ҳамон иш қизғин. Пахтакорларимиз ялпи ҳосилни 39 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар. Туманимизда пахта йиғим-терими билан бирга кузги-қишки дала ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Ҳозиргача 2500 гектар майдонга кузги дон экилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманимизда иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида маълум жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи иш якунларини олиш мумкин. Шу давр ичида туман саноатида ўсиш суръатлари ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан 102,0 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайиб, умумий салмоғи 107,4 фоизга етди.

Юртбошимизнинг саноатни қишлоққа олиб келиш, хусусийлаштириш ҳақидаги кўрсатмалари ижросига алоҳида эътибор билан ёндошяпмиз. Шу йил июнь ойида Олимкент кўрғонида бир кеча-кундузда 60 тонна пахта ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Акмал» хусусий кичик корхонаси ишга тушди. Шу қисқа вақт ичида бу ерда 87,2 тонна ёғ, 340,4 тонна кунжара, 276,7 тонна шелуха ишлаб чиқарилди. Бугунги кунда мазкур корхонада 49 киши меҳнат қилмоқда.

Бугун туманда мулкчиликнинг нодавлат шаклларига айлантирилган қатор ҳиссадорлик жамиятлари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар фаолият кўрсатмоқда. Саноатда 4 та, қишлоқ хўжалигида 2 та, савдо соҳасида 6 та, транспортда 3 та корхона, ташкилот ва хўжалик ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Шу йилнинг ўзида тумандаги «Қаҳрамон», «Гулистон» «Маданият», «Озод», «Султонобод», Ҳ. Олимжон номли, А. Икромов номли, Охунбобоев номли, Навоий номли, «Хонқа» жамоа хўжаликларининг чорвачилик фермалари хусусийлаштирилди. «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмасида Исроил давлати фирмасининг иштирокида қурилган сутни қайта ишлаш цехи фаолият кўрсатмоқда. Тумандаги жами 261 та, шу жумладан, деҳқончиликда 245 та, чорвачиликда 16 та фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, эл-юрт маъмурчилигига ҳисса қўшмоқдалар.

Кимошди савдоси тадбирлари қишлоқда одат тусига кириб қолди. Шу дамгача ўтказилган кимошди савдоларида 32,9миллион сўм миқдорида давлат ва жамоа мулклари сотилди. Ҳисобот даврида хусусийлаштирилган объектлар сони 69 тага етиб, улардан тушган маблағ 3,3 миллион сўмни ташкил этди. Ана шу маблағнинг салмоқли қисми ишсиз қолган кишиларни иш билан таъминлаш, янги иш жойлари ташкил этишга сарфланди, бир қисми эса ишсизларга ёрдам нафақаси тариқасида тўланмоқда.

Ҳориж билан иқтисодий алоқаларни ҳам аста-секин йўлга қўйяпмиз. Жумладан, туман пахта тозалаш корхоналарида 1995 йил ҳосилидан қайта ишланиб тойланган 824 тонна пахта толаси экспортга чиқарилди. Унинг жами қиймати 19,779 минг сўмни ташкил этади.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятидан шу кунгача 10,900 минг сўм фойда олинди. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми 40,900 минг сўмга бажарилди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва молиявий аҳволни барқарорлаштириш мақсадида 89,200 минг сўм миқдорида кредит маблағлари сарфланди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг дебиторлик қарзларини бирмунча камайтиришга эришдик. Биринчи ярим йилликда бу маблағ 78,200 минг сўмга тенг бўлса, тўққиз ойлик якунларида у 73,700 минг сўмни ташкил этди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳамиша диққат марказимизда. Шу мақсадда туманда иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган оилаларга 8,800 минг сўм маблағ сарфланди.

Туманда қурилиш, ободончилик, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маданият соҳаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Олдимизда 1995 йилни кўнгилдагидек якунлаш, туманда иқтисодий аҳволни янада барқарорлаштириш, 1996 йил учун истиқбол режаларини ишлаб чиқишдан иборат долзарб вазифалар турипти. Туманимиз меҳнаткашлари истиқболга, эртанги кунга комил ишонч билан боқмоқдалар. Бутун куч-ғайратларини иқтисодий ислоҳотлар дастурини рўёбга чиқаришга сарфламоқдалар.

Қамбарали ОМОНОВ,
Оққўрғон тумани агрохизмат уюшмасининг раиси.

Ҳосил - 95

МАРРАГА ЕТГАНЛАР

БЎКА. «Ровот» жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳам юзлари ёруғ бўлди. Улар 435 гектар майдондан салкам 1100 тонна хирмон уйдилар. Айни кунларда режага қўшимча пахта топшираётган ровотликлар пировардида ҳосилдорликни 26,4 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар.

***

ЧИНОЗ. Навоий номли хўжалик заршунослари ҳам режани бажарганликларини маълум қилдилар. Шу кунга қадар улар ҳар гектаридан 28,1 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Ялпи ҳосил 1286 тоннадан ортиб кетди.

Пешқадам деҳқонлар йиғим-теримни давом эттирмоқдалар. Кам деганда яна 100 тонна пахта топширишни мўлжалламоқдалар.

Шу тумандаги «Гулзоробод» жамоа хўжалиги миришкорлари ҳам давлатга 1100 тонна пахта сотиб, йиллик режани ошириб адо этдилар.

***

ЮҚОРИЧИРЧИҚ. Ҳамиша илғор бўлиб келган «Политотдел» жамоа хўжалиги деҳқонларининг бу йилги иш натижалари ҳам қувончли бўлди. Улар йиғим-теримда кун сайин суръатни ошира бориб, давлатга 2587 тонна ўрнига 2600 тоннадан ортиқ юқори навли хом ашё етказиб беришга муваффақ бўлдилар. Хўжалик пахтакорлари айни кунларда яна 100 тонна қўшимча пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам бажариш учун курашмоқдалар.

ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ҲАМ ДАЛАЛАРДА

ТОШКЕНТ вилоят касаба уюшмалари кенгаши етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишига ўз ҳиссаларини қўшиш учун тадбирлар ишлаб чиққан эдилар. Бу тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Пахтакорларга яхши меҳнат, маиший, маданий дам олиш учун шароит яратиб бериш, техника хавфсизлигини таъминлаш, меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, ҳашарчилар ва қишлоқ аҳолисини зарур озиқ-овқат ҳамда саноат моллари билан ўз вақтида таъминлаб туриш, дала шийпонлари, яшаш жойлари, маданият уйлари ва ҳаваскорлик жамоалари концертларини қўйиш, кинофильмлар кўрсатиш ва шу сингари ташкилий ишларни уюштириш ишлаб чиқилган тадбирларнинг моҳиятини ташкил этади.

Касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари ва фаоллари ташкилий-оммавий ишлар билан бир қаторда бевосита пахта йиғим-теримида ҳам қатнашмоқдалар. Улардан бир гуруҳи Қуйичирчиқ туманидаги «Тошовул» жамоа хўжалигида мавсум бошидан бери пахтакорларга кўмаклашмоқдалар. Бундан ташқари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши идораси, вилоят тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари ходимлари навбатма-навбат, баъзилар эса сурункасига ҳар куни Янгийўл тумани хўжаликларига чиқиб, пахта хирмонига барака киритмоқдалар. Идора ходимлари шу кунгача терган «оқ олтин» 10 тоннадан ошиб кетди.

Б. ПЎЛАТОВ,
Вилоят касаба уюшмалари кенгаши матбуот маркази мудири.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН !

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ХОТИРЖАМЛИК УЧУН АСОС ЙЎҚ

«Ўзқурилишматериаллари» концерни корхоналарида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самараси ва йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида

ЎЗБЕКИСТОН қурилиш материаллари концернининг 36 та корхонаси вилоятимиз ҳудудида жойлашган. Уларнинг ҳаммаси муайян даражада атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши вилоятимиз экологиясини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Бу корхоналарда атроф муҳитни мусаффолигини таъминлашга қаратилган қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Бу муҳим соҳадаги камчиликлар нималардан иборат? Уларни бартараф этиш юзасидан қандай чоралар кўрилиши керак? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси коллегиясининг навбатдаги мажлисида шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда «Ўзқурилишматериаллари» концернига қарашли кўпчилик корхоналарнинг раҳбар ходимлари ҳам қатнашдилар. Улар ўзлари раҳбарлик қилаётган корхоналардаги экологик аҳвол ҳақида ахборот бердилар.

Мажлисда таъкидланганидек, концернга қарашли кўпчилик корхоналарда атроф-муҳитни мусаффо сақлашга қаратилган чора-тадбирлар муттасил амалга оширилмоқда. Ҳозирги кундаги иқтисодий қийинчиликларга қарамай бундай ишлар учун анчагина маблағ ва материаллар топиляпти. Биргина Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида кейинги 1,5 йил ичида кенг кўламдаги чоралар кўрилди. Жумладан, 2-айланувчи печдаги клинкер совутгичида чанг-тўзонни ушлаб қолувчи тизим ишга туширилди. Замонавий иккита йирик фильтр фойдаланишга топширилди. Цементни идишларга солиш цехида ўрнатилган бундай мосламалар атроф-муҳитни анча тоза бўлишига ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, 6 та чанг-газни тозаловчи қурилма қайта ускуналанди, 16 таси эса сифатли қилиб тузатилди. 3-печда ҳам янги электр фильтр ўрнатилди. Клинкер совутгичидаги аспирация тизимлари қайта қурилди. Ишлаб чиқаришнинг бошқа бўлимларида ҳам чанг-газни ушлаб қолувчи қатор фильтрлар ишга туширилди. Ҳозир 1-печда шундай иш олиб борилмоқда.

Бу ерда чиқиндилар чиқиши устидан назорат олиб борувчи махсус лаборатория ҳам ташкил этилди. Унинг ходимлари ҳар куни уч марта чанглар, олтингугурт ангидриди, углерод оксиди, фиоль ва азот оксиди газларининг ҳавога тарқалишини текшириб турадилар. Бу ана шундай зарарли моддаларнинг атмосферага ошиқча чиқмаслиги учун зарур чораларни кўриш имконини бермоқда.

Оҳангарондаги «Сантехқуюв» заводининг қувурлар қуюв цехидаги тупроқ тайёрлаш участкасида циклон ўрнатилди. Худди шундай мослама хом ашёни майдаловчи камераларда ҳам ишга туширилди. Қуюв цехлари печларини мазут ва кўмир ўрнига газ билан ишлаши учун лойиҳа тайёрланди. «Қурилишпластмасса» ҳиссадорлик жамиятида чиқинди газларни зарарсизлантириш бўйича қурилма фойдаланишга топширилди. «Оҳангароншифер» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Оҳангаронмармар» корхонасида ва шаҳардаги бошқа бинокорлик материаллари саноати корхоналарида ҳам экологик аҳволни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бекобод цемент комбинатида ҳам кейинги йилларда қатор тадбирлар амалга оширилди. Айланувчи печлардан чиқаётган газларни ушлаб қолувчи мосламалар ўрнатилди. 5- ва 6-айланувчи печларда эса ёқилғининг ёнишини тартибга солувчи қурилмалар фойдаланишга топширилди. 2-, 3-, 4-цемент тегирмонларида чангни ушлаб қолувчи тизимлар такомиллаштирилди. «Ўзқурилишматериаллари» концернининг вилоятимиздаги бошқа корхоналарида ҳам зарарли моддаларни атмосферага чиқаришни камайтиришга қаратилган қатор тадбирлар кўрилди. Бунинг натижасида шу корхоналарда биргина ўтган йили зарарли моддаларни атмосферага чиқариш 4,9 минг тоннага камайди. Бу йилнинг тўққиз ойида эса бу кўрсаткич деярли 11 минг тоннани ташкил этди. Деярли барча корхоналарда заҳарли моддаларни атмосферага чиқариш қисқарди.

Бироқ бу хотиржамланиш учун ҳеч қандай асос бўлолмайди. Чунки, ҳали ҳам концерн корхоналари табиатни ифлослантиришнинг йирик манбалари бўлиб қолмоқда. Улар атмосферага жуда кўп миқдорда заҳарли моддаларни чиқармоқда. Биргина ўтган йили уларни атмосферага чиқариш 28 минг тоннадан кўпроқни ташкил этди. Ҳозирги вақтда концерн корхоналарида газ-чангни атрофга тарқатувчи 1565 та доимий манбаа бўлгани ҳолда уларнинг фақат 364 таси бундай заҳарли моддаларни ушлаб қолувчи қурилмалар билан ускуналанган. Биргина «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасида бундай қурилмаларнинг тўртдан уч қисми ҳамон шундай мосламалар билан жиҳозланмаган. Бундай камчиликлар деярли барча корхоналарда бор. Масалан, «Сантехқуюв» заводида заҳарли моддалар чиқарувчи манбалар бўлгани ҳолда, уларнинг фақат 60 таси чанг-газни ушлаб қолувчи ускуналар билан жиҳозланган. Қурилиш пластмассаси ҳиссадорлик жамиятида эса аҳвол бундан яхши эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўтган йили ва шу йилнинг 9 ойида пул маблағлари ва моддий ресурсларнинг етишмаслиги оқибатида концерн корхоналарида, айниқса, ғишт заводларида зарарли моддаларнинг атмосферага чиқишини камайтириш бўйича белгиланган қатор тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмади. Шунинг учун бундай корхоналар ҳамон ҳавони кўп даражада ифлослантирмоқда.

Жорий қилинган янги тартибга мувофиқ ҳар бир корхона меёридан ортиқ чиқиндилар чиқаргани учун муайян даражада маблағ тўлаши лозим. Бироқ, бу ишда ҳам сусткашлик давом этмоқда. Шуни айтиш кифояки, биргина вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига бўлган бундай қарзлар 1994 йил ва шу йилнинг 9 ойида салкам 1 миллион 100 минг сўмни ташкил этди. Ортиқча чиқинди чиқаргани учун тўловларни вақтида ажратмаган корхоналар орасида «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бекобод цемент комбинати, Бекоободдаги номаъдан материаллар заводи, Ангрен бинокорлик материаллари комбинати, Ғазалкентдаги шундай корхона, Бекобод «Цемтаъмирлаш» заводи ва бошқалар бор.

Коллегия мажлисида муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Унда Ўзбекистон қурилиш материаллари концернининг Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган корхоналарида зарарли моддаларни атмосферага чиқаришни кескин камайтириш ҳамда бу муҳим иш юзасидан корхоналар раҳбарлари, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий ва туман қўмиталари олдида турган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Унда, айниқса, экологик аҳволни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга эришиш лозимлиги, бунинг учун зарур пул маблағлари ва моддий ресурслар ажратилишининг таъминланиши алоҳида қайд қилинди.

«СОФ ҲАВО» ТАДБИРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СОФ ҲАВО — танга даво, деб бежиз айтмайди халқимиз. Ҳаммамизнинг саломатлигимиз муайян даражада ҳавонинг софлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу масалага доим катта эътибор билан қарамоқдалар. Шу йилнинг биргина сентябрь ойида атмосфера ҳавосини булғатишга таъсир кўрсатувчи 60 дан ортиқ саноат, автотранспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа объектлар текширилди.

Текширишлар давомида зарарли моддалар чиқарувчи бир неча юз манбаа тадқиқот қилинди. Уларнинг аксарият кўпчилиги атмосферани ифлос қилмоқда. Фақатгина 235 та манбаа газ тозалаш қурилмалари билан ускуналанган. Газ тозалаш қурилмаларининг анчагина қисми самарасиз ишлаётганлиги, бунинг устига тузатилиши лозимлиги маълум бўлди.

Текширишлар натижасида айрим корхоналарда ҳавони соф сақлаш қонунчилигини бузиш билан боғлиқ бўлган қатор ҳоллар ҳам аниқланди. Чунончи, Ўзбекистон металлургия комбинатидаги газни тозалаш қурилмаларининг 12,5 фоизи носоз аҳволда бўлиб, самарасиз ишламоқда. Бу атмосферага зарарли моддаларни қўшимча чиқаришга олиб келган. Бундай камчиликка йўл қўйган уч нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бекобод пахта тозалаш заводида эса чиқиндиларнинг манбаларини камайтириш бўйича хўжакўрсингагина ишлар қилинмоқда. Чангни тозалаш қурилмалари сифатсиз тузатилган. Натижада ҳавога зарарли моддаларнинг чиқиши меёрдагидан анча ошиб кетган. Бундай бузилишларга йўл қўйган икки нафар мансабдор шахсга нисбатан жарима солинди.

Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам зарарли моддаларни атмосферага меёридан ортиқча чиқаришга йўл қўйилган. Текшириш натижаларига кўра корхонанинг 4 нафар мансабдор ходими маъмурий жавобгарликка тортилди.

Сентябрь ойида «Соф ҳаво» тадбирининг иккинчи босқичи ниҳоясига етказилди. Текшириш давомида 40 та автотранспорт корхонаси, 34 та автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари, қатор техник хизмат-кўрсатиш станциялари ва 4 та автомобиль таъмирлаш заводида бўлинди. Махсус мосламалар ёрдамида 1200 дан ортиқ автотранспорт воситалари текширилди. Уларнинг 16,5 фоизи тутунни ортиқча чиқараётганлиги маълум бўлди. Бундай камчиликларга йўл қўйган 16 нафар мансабдор шахсларга нисбатан жарима солинди.

«Соф ҳаво» тадбири йил охиригача мунтазам ўтказилади. Атмосфера ҳавосини булғатишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан турли хил чоралар кўриш давом этади. Бундан асосий мақсад саломатлигимиз негизларидан бири бўлган ҳавонинг тоза бўлишини таъминлашдир.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

КИМГА ЗАРАРУ, КИМГА ФОЙДА

ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛДИ

ҲОЗИРГИ вақтда Оққўрғон туманида ўн олтита ишлаб чиқариш корхонаси ва ўн учта жамоа хўжаликлари мавжуд. Улар муайян даражада атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар ҳисобланади. Бу корхона ва хўжаликлардаги эколог аҳвол мунтазам назорат қилиб турилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар, айбдор бўлган раҳбар шахсларга нисбатан турли хил жазо чоралари кўрилади.

Лекин шундай корхоналар раҳбарлари ҳам борки, улар табиатни муҳофаза қилиш ишларига лоқайд муносабатда бўладилар, бундай ишларни иккинчи-учинчи даражали деб ҳисоблайдилар. Ҳатто туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимларининг текшириш вақтида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмаларию танбеҳларини ҳам инобатга олмайдилар.

Баён этилган фикрнинг тасдиғи сифатида айрим мисолларни келтириш мумкин. Туманда «Мафтуна» ҳиссадорлик жамияти бор. Унинг кўпчилик бўлинмаларида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш юзасидан чоралар кўрилмоқда. Лекин ҳаммасида ҳам эмас. Айниқса, жамиятнинг терини қайта ишлаш цехида экологик аҳвол жуда ачинарлидир. Бу цехда доим палапартишлик яққол кўзга ташланади. Экологларнинг бир неча марта қилган огохлантиришлари ҳам инобатга олинмади. Доим қуруқ ваъда бериш билан чекланади. Оқибатда экологик аҳволда ҳеч қандай ижобий ўзгариш рўй бермаяпти. Цех табиатга зарар келтиришни давом эттираверди. Цехда терига ишлов бериш жараёнида ёқимсиз ҳид ҳосил бўлади ва у доим атроф-муҳитга салбий таъсир қилади. Бунинг устига цехдан оқиб чиқаётган оқавалар етарли тиндирилмайди, у ер ости сувларигача сизиб ўтиб, уларни ифлослантирмоқда.

Бундай бефарқлик корхонадаги атмосфера ҳавосини ҳам бузиб, фақат зарар келтирмоқда. Охир-оқибатда экологларнинг қатъий талаби билан цех тўхтатиб қўйилди, раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилди. Бу кимга зарару, кимга фойда? Нафсанбирини айтганда ҳеч кимга наф келтирмайди, бироқ ҳаммага зарар келтиради.

Оққўрғон йўл қурилиши бошқармасига қарашли тош-шағал карьерига нисбатан ҳам шундай кескин чора кўрилди. Карьерда бинокорлик материалларини қазиб олишда амалдаги тартиб-қоидани бузиш ҳоллари одат бўлиб қолган. Бундай лоқайдликка бефарқ қараб бўлмайди, албатта.

Экологлар бундай ҳолатни бартараф этиш йўлида энг сўнгги чорани кўришга — карьерни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлдилар. Акс ҳолда теварак-атрофга етказилаётган зарар янада кўпайиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

М. ҲАМИДОВ.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1995 йил 25 октябрь • № 84 (10.760)

Вилоятда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик танлови якунланди

ЯШИЛ БОЙЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Оҳангарон ўрмонлари — кони фойда. Янги дарахтзорлар барпо этилмоқда. Кўчатлар, доривор ўсимликлар етиштириш ва сотиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўрмон неъматларидан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ечимини кутаётган муаммолар.

ЎРМОНЛАР — табиат яратган яшил бойлик ҳисобланади. Оҳангароннинг 115120 гектардан ортиқ тоғ-қирларидаги, сойликлар ва ўнгирлардаги ўрмонзорлар билан халқимиз ҳақли равишда фахрланса арзийди. Бу ўрмонлар мамлакатимизнинг кўпчилик ҳудудларида кўп учрамайдиган тоғ олчалари, ноёб арчалар, юлғун ва наъматакларга бой гўша бўлиб, айни пайтда ўрмонлардаги кийик ва тоғ эчкилари, бўри, қоплон, қашқир, чиябўри, айиқ ва бошқа кўплаб ёввойи ҳайвонларни ҳам муҳофаза қиладиган хўжалик ҳисобланади. Бу жиҳатдан ўрмон хўжалиги алоҳида кўриқхона вазифасини ҳам ўтамоқда.

1947 йилда расмий равишда ташкил этилган ўрмон хўжалиги ҳозир маданий ва ёввойи ҳолида учрайдиган 55 турдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахтларнинг кўпайтирилишига чинакам омил бўлаётир. Бу ерда ҳар йили ўрмонлар маҳсули бўлган турли мевалардан ташқари йигирма беш хилдан ортиқ шифобахш, табиий дори-дармонлар тайёрланади ва соҳа вазирлигининг тизими бўйича аҳоли эҳтиёжлари учун етказиб берилади. Бир неча йилдан бери мева тайёрлаш режаси бажарилмай келарди. Бунга табиий иқлим шароити сабаб бўлган, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳам кучли таъсир этган эди. Бу йил биринчи марта мева тайёрлаш ва сотиш режаси юқори кўрсаткичлар билан бажарилди. Шу билан бир қаторда фақат шу йилнинг ўзида 2 миллион донага яқин мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари етиштирилиб, меҳнаткашларга сотилди. Ўрмончилар ўзларининг тасарруфидаги ўрмонлардан бир ярим тонна доривор гиёҳлар, 5 тоннага яқин шифобахш наъматаклар териб олишга муяссар бўлдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, Оҳангарон ўрмон хўжалиги республикамизда энг ноёб арча кўчатлари етиштириш бўйича салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ерда етиштирилган арча кўчатлари ўзининг ноёблиги ва кўркамлиги билан ажралиб туради ва шунинг учун ҳам ўрмон хўжалиги бир неча бор республика Ўрмон хўжалиги вазирлиги ва тармоқ касаба уюшмасининг тақдирномаларига сазовор бўлган.

Бу ерда ҳар йили олма, ўрик, шафтоли, нок, ёнғоқ ва бошқа мевалар терилиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. Фақат амалдаги йилнинг ўзида етиштирилган мевалар 250 тоннадан ортиб кетди. Ўрмончилар тоғларга, далаларга кўкламда эмас, айни куз фаслида кўчат экишни бир неча йилдан бери тажрибадан ўтказишмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кузда экилган дарахтларнинг ниҳоллари 80-90 фоиз кўкаради ва кўкламда жуда бақувват бўлиб ўсади. Хўжаликда етиштирилган мевали дарахтлар бугунги кунда мамлакатдаги жуда кўп хўжаликларнинг боғларида учрайди. Бу ерда етиштирилган арча ҳамда бошқа манзарали дарахт кўчатлари бугунги кунда пойтахтимиз Тошкент, шунингдек, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Янгиобод, Фарғона, Андижон, Қарши ва Термиз шаҳарларининг майдонлари, кўчалари, хиёбонлари ва турли гўшаларини безаб турибди.

Ўрмон хўжалиги жамоаси ҳозир фақат кўчат ва мевалар, шифобахш гиёҳлар етиштириш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳар йили ўрмончилар тоғ қирчинлари, бошқа дарахтларнинг новдаларидан кенг истеъмол молларини ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Шинам столлар, ўтирғичлар, саватча ва ширинликлар солишга мўлжалланган идишлардан ташкил топган 24 турдаги буюмлар ҳамон шинам ва қулайлиги, чиройли ва бежиримлиги билан харидорлар диққатини тортмоқда. Шунингдек, бу ерда ишлаб чиқариладиган кийгизлар, дарахтларнинг пўстлоқларидан тайёрланадиган турли матолар ҳамон харидоргир ҳисобланади.

Ўрмон хўжалиги олдида бир қанча муаммолар бор. Энг аввало, етиштирилган меваларни қуритиш цехларини барпо этиш, бу билан қиш пайтида ҳам одамларга қуруқ мевалар етказиб бериш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу масала яқин фурсатларда ҳал қилинади. Иккинчидан, бу ерда ишлаб чиқарилган наъматаклар қуритилган ҳолида бошқа корхоналарга жўнатилади. Эндиликда эса наъматаклардан шу ернинг ўзида дориворлар тайёрлаш ишларини ташкил этиш вазифаси турибди. Булардан ташқари Оҳангарон дарёси бўйлари ва Ақча овчилик хўжалигидаги ерлар ўрмон хўжалиги ихтиёрида бўлганида дарё бўйларига мирза тераклар экиб, бир неча йилда жуда кўп ёғочбоп, тахтабоп дарахтлар ўстирса бўларди. Республика Мудофаа вазирлиги ихтиёрида бўлган бу овчилик хўжалиги ҳали бирон гектар ерда дарахтзорлар барпо этмаган. Холбуки, тоғлар ва дарёларнинг ёнларидаги шу ерлар ҳамон бўш ётибди. Агар улар ўрмон хўжалиги тасарруфида бўлганида аллақанча кўркам ва обод масканларга айланиши мумкин эди. Бу масала ташкилотлар олдига бир неча марта қўйилса ҳам ҳамон ўз ечимини топгани йўқ. У ижобий ҳал этилса айни муддао бўларди.

Мўмин ҚАЮМ.

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида бошланган кўрик-танловда вилоятимизнинг кўпчилик шаҳар ва туманлари, шаҳарча ва қишлоқлари, маҳаллалари ва оилалари фаол қатнашдилар. Чунки ҳамма жойда бу ташаббуснинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришга қаратилган кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бу ҳаракат оммавий тус олганлигининг омили ҳам шундадир.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида бу кўрик-танловни ўтказиш ва унинг кенг ёйилишига ёрдам бериш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Гуруҳ яқинда бу беллашувга якун ясади ва ғолибларни аниқлади. Кўпгина шаҳарлар ва туманлар, шаҳарчалар ва қишлоқлар атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлашга қаратилган бу тадбирда яхши натижаларга эришдилар.

Вилоятимиз шаҳарлари ичида Чирчиқ меҳнаткашларининг атроф-муҳитни мусаффо қилиш юзасидан амалга оширган ишлари натижаси салмоқли бўлди. Шунинг учун ҳам шаҳар вилоят кўрик-танловда ғолиб деб топилди. Туманлар ўртасида эса ҳақли равишда Қибрай тумани ғолиб чиқди. Кўрик-танловни ўтказиш бўйича республика комиссияси туман ва Дўрмон шаҳарчасини бу соҳада яхши натижаларга эришганликларини алоҳида таъкидлади.

Кўрик-танловда кўпгина маҳаллалар ва оилалар ҳам қатнашдилар. Ишчи гуруҳи тушган материалларни ўрганар экан, унда жойларда экологик аҳволни яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш ишини фаоллаштириш, касалланишни камайтириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш, ичимлик сув билан таъминлаш, ҳавонинг софлиги ва рўзғор чиқиндиларидан фойдаланиш соҳасида эришилган натижаларни алоҳида эътиборга олди. Вилоятимизда Янгийўл шаҳрининг «Мезон» маҳалласи энг яхши деб тан олинди. Шунингдек, Чирчиқдаги 20-, Ўртачирчиқ туманидаги «Ғалаботир», Янгийўл туманидаги «Деҳқонобод», Қуйичирчиқ туманидаги «Янги ҳаёт» маҳаллаларининг бу муҳим соҳада эришган ютуқлари алоҳида таъкидланди.

Табиат дўстлари ва унинг ғамхўрлари бўлган оилалар ўртасидаги беллашувда Ўртачирчиқ туманидаги Асқар Тошматов оиласи вилоят кўрик-танлови ғолиби бўлди. Асқар Тошматов паррандаларни кўпайтиришнинг катта жонкуяри ҳисобланади. Ҳозир у паррандаларнинг 30 турдан ортиғини парвариш қилмоқда. Оила паррандалардан иборат ҳайвонот боғи ташкил этган. Бу ерга маҳаллада яшовчилар, айниқса, мактаб ўқувчилари тез-тез келиб турадилар ҳамда боғга қўйилган турли-туман паррандаларни парвариш қилишда қатнашадилар. Уларни ўрганадилар. Ишчи гуруҳи Бекобод туманида истиқомат қилувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Одилжон Зокиров оиласини ҳам алоҳида тақдирлади. Бу оила тумандаги 38-ўрта мактабда табиат музейи ташкил этган. Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Нормат Эрназаров ҳамда Янгийўл туманида яшовчи Ҳамид Бадриддиновлар оилаларининг табиатни муҳофаза қилиш жонкуярлари эканликлари таъкидланди.

Ишчи гуруҳи Юқоричирчиқ туманида истиқомат қилувчи Владимир Михайлович Сидоровнинг аҳолини табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда экологик билимини оширишдаги катта хизматларини алоҳида қайд қилди. У қатор илмий-оммабоп китобларнинг муаллифи ҳисобланади. Муаллифнинг табиат, унинг ажойиб фазилатлари ҳақида ёзилган қатор оммабоп китоблари ҳатто чет элларда ҳам босиб чиқарилган. «Томорқа ва саломатлик», «Мен қандай қилиб соғлом бўлдим», «Боғ, экинзор, томорқа ва саломатлик», «Кўзиқорин ўстириш», «Пушталар ҳосилдорлигини қандай кескин ошириш мумкин» каби асарлар шулар жумласидандир.



Олтин куз меваси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ сурати.

ҲАМОН КАМЧИЛИКЛАР МАВЖУД

• ПАРКЕНТ туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигида табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътибор кучаймоқда. Кейинги йилларда шу мақсадда қатор тадбирлар амалга оширилди. Атроф-муҳитни ифлослантирувчи айрим манбалар бартараф этилди. Лекин экологик аҳволни яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишларни талаб даражасида, деб бўлмайди.

Яқинда Паркент худудий табиатни муҳофаза қилиш нозирлари томонидан ўтказилган текшириш ҳам шуни кўрсатди. Жумладан, сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома олинган. Унда оби-ҳаётдан фойдаланиш меёрлари аниқ белгиланган. Лекин амалда бунга риоя қилинмаяпти. Жумладан, узумни қайта ишлаш цехида шундай бўлмоқда. Бу ерда сувни ишлатиш сарфи белгиланганидан анча кўп бўлмоқда.

Хўжаликда қатор тиндиргичлар бор. Лекин улар яхши ишламайди, вақтида чўкиндилардан тозаланиб турилмайди. Шунинг учун уларнинг сиғими камайиб кетган. Оқовалар зарарсизлантирилмасдан теварак атрофга тошиб ётади. Бунинг устига машина ва механизмларни ювиш учун махсус жой бир неча бор айтилганига қарамасдан, ҳамон барпо этилмаган. Бундай оқовалар ҳам сув ҳавзаларига тушиб уларни ифлослантирмоқда. Жамоа хўжалиги раҳбарлигининг эътибори ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилди.



• Хушманзара гўшалар куз фаслида ҳам ўз чиройини йўқотмайди.



• Ҳайвонот дунёси ва муҳофаза

Кенг жамоатчилик диққатига

ОВ ҚИЛИШГА РУХСАТИНГИЗ БОРМИ?

Республикамиз ҳайвонот дунёси йил сайин камбағаллашиб бормоқда. Ҳар йили ҳайвонларнинг у ёки бу тури умуман йўқолиб кетяпти. Шунинг учун ҳам уларни муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб қолди. Шу туфайли кейинги вақтларда ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилишда тартибни янада мукаммаллаштириш ва кучайтиришга мажбур бўлинмоқда. Бу ҳақда янги қонун-қоидалар ишлаб чиқилиб, жорий қилиняпти. Қуйида эса ноқонуний ов қилиш ва балиқларни тутиш оқибатида табиатга етказилган зарарни айбдорлардан ундириб олиш тартиби билан таништирамиз. Уни билиб қўйсангиз зарар қилмайсиз, ўзингизни бундай «гуноҳ» ишлардан тийиб турасиз.

Қуйида ноқонуний ов қилиш ва балиқ тутиш натижасида табиатга келтирилган зарарни қоплаш учун айбдордан ундириб олинадиган жарима тўлови миқдори эълон қилинмоқда

Қизил китобга киритилганлари	Ҳар бир жонивор учун (боши, териси, шоҳи ва ҳоказо) ёши, ўлчами, вазни, жинсидан қатъий назар ундириладиган жарима тўлови миқдорлари	
	Энг кам иш ҳақига нисбатан коэффициент ҳисобида	Чет эл фуқаролари учун АҚШ долларида
Сут эмизувчилар		
Гепард, қоплон, тарғил сиртлон, вирс	120	10000
Морхўр	120	6000
Архар	100	5000
Хонгул (бухоро буғиси), Тян-Шань қўнғир айиғи, жайрон, Устюрт қўйи, Тян-Шань қўйи, Тожикистон қўйи, асалхўр, Ўрта Осиё қундузи, қорақол, Туркистон силовсини	100	2500
Суғур, қулон	75	2000
Сут эмизувчиларнинг бошқа турлари	25	500
ОВ ҚИЛИНАДИГАН ТУРЛАРИ:		
Тўнғиз, тоғ эчкиси, оқ қуйруқ (сайгак)	20	700
Буғу	20	300
Тоғ сувсари, норка, қизил суғур, оқсувсар, ондатра	10	100
Тулки, қорасак, нутрия, чиябўри, ёввойи мушуклар	8	50
Бўрсиқ, жайра, дашт сассиққузони	5	50
Қуён, латча, типратикон, кўршапалаклар, бошқа сут эмизувчилар, ўрмончилик, қишлоқ хўжалик ва овчилик хўжаликлари зараркунандаларидан ташқари, хавфли инфекциялар тарқатувчилар	1	25
Оққуйруқлар, буғилар, эчкилар, қўйлар шоҳлари	ушбу турнинг бошига мувофиқ	
Мўйнадан тайёрланган буюмлар	ушбу буюмдаги терилар сони бўйича	
ПАРРАНДАЛАР		
Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилганлари:		
Шахин, балобан, сапсан	120	10000
Оққуш, бирқозон, сувбургут, тувалоқ, балиқхўр, кичик бургут, ўлимтикхўр бургут, чўл бургути, болтаютар, қирғий, илонхўр	100	5000
Йўрға тувалоқ, оқбовур	50	1000
Мармар чуррак ва «Қизил китоб»га киритилган бошқа парранда турлари	25	500
Ов қилиш таъқиқланган парранда турлари		
Турналар, қўтонлар, қарабош балиқчи, қошиқбурун, қоравой, қуш ва бошқа йиртқич қушлар	10	300
Ов қилинадиган турлари		
Қирғовул, ғоз, уларнинг барча турлари	2	150
Ўрдаклар, какликлар, қўлбуққалар крохалларнинг барча турлари	0,5	100
Чурраклар, қашқалдоқлар, кабутарлар, мусичалар, беданалар, балчиқчи қушлар, сажалар, қорабовур	0,2	75
Қушларнинг бошқа турлари	0,05	50
Судралиб юрувчилар		
«Қизил китоб»га киритилганлар:		
Кобра, кулранг эчкиэмар, бошқа турлар	75	2000
Судралиб юрувчиларнинг бошқа турлари:		
Гюрза	20	500
Чархилон, қалқонтумшуқ, қора илон	5	300
Захарсиз илонлар	2	200
Тошбақа, калтакесаклар, чекконлар, агама ва бошқа турлар	2	150
Қуруқликда ва сувда яшовчилар		
Қурбақалар, бақалар	0,05	10
Балиқлар		
«Қизил китоб»га киритилганлари:		
Орол сўзанбалиғи, куракмушуқликлар, бақрабалиқ (осетер), филмойлар	5	500
Балиқларнинг бошқа турлари:		
Лаққабалиқ, ўсимликхўр, балиқлар, зоғорабалиқ, оққайроқбалиқ	1	100
Иссиққўл хонбалиғи, қалқонбалиқ, пеляд, Туркистон сўзанбалиғи	0,8	50
Судак, қорабалиқ, бурфало, зоғорабалиқ, товонбалиқ, илонбалиқ, чўртанбалиқ, лешчлар	0,5	30
Самарқанд хромуляси, тараша балиқ, мойбалиқ, қизилкўз балиқ, вобла, хутум	0,1	10
Оққўз, қизилқанот ва қимматли бўлмаган бошқа турлари	0,05	5
УМУРТҚАСИЗЛАР		
«Қизил китоб»га киритилганлари	10	300
Заҳарли умуртқасизлар	0,5	5
Чучук сув қисқичбақаси	0,05	3
Бошқа қисқичбақасимонлар (1 кг учун)	1	10
Коллекция қилиши ва музейга қўйиш қимматига эга бўлган турлари	халқаро каталоглар баҳолари бўйича Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигига айлантириб ҳисоблаш билан	
Бошқа умуртқасизлар, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалигига бевосита зарар келтирмовчилар, хавфли инфекцияларни ташувчилар	0,02	1
Захарлар	бир грамм заҳар олиш учун зарур бўладиган жонивор сони ҳисобидан келиб чиқиб, унга нисбатан 10 баравар ошиқ миқдорда	
Яшаш учун зарур бўлган бошқа маҳсулотлар (ўт пуфаги, мушак безлари ва бошқалар)	шу ҳайвонга етказилган зарар учун тўланадиган пулга мувофиқ	
Мўмиё (1 гр. учун)	0,02	1
Ин, уяларни бузганлик учун қўриқхона, миллий (халқ) боғи, заказниклар, табиат ёдгорликлари, махсус питомниклар, қўриқхоналар ва бошқа муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг қўриқланадиган минтақалари ҳудудларида ҳайвонларни тутиб олганлик учун	Шу турга етказилган зарар учун олинадиган пулга нисбатан 3 баравар ошиқ жарима	
«Қизил китоб»га киритилган жониворларнинг олинган ҳар бир тухуми, полапони, ноқонуний тутиб олинган урғочи жониворларнинг рептилия эмбриони ёки тухуми учун	Шу турга етказилган зарар тўловининг 50 фоизи	
Ов қилиш таъқиқланган жонивор турининг ҳар бир тухуми ёки жўжасини олганлик учун	Шу турга етказилган зарар тўловининг 20 фоизи	
Ҳар бир олинган тухум, жўжа учун, шунингдек қонунсиз тутиб олинган урғочи жониворнинг ҳар бир эмбриони учун	Шу турга етказилган зарар тўловининг 25 фоизи	
Ёввойи ҳайвонлар яшайдиган жойлардаги тўқайларни, ёш дарахтлар ва ўрмонга экилган кўчатлар, буталар бошқа ўсимликларни ёқиб юбориш ва кундаков қилганлик учун (1 га учун)	2	100
Ёввойи ҳайвонлар яшайдиган жойлардаги қамишзорлар ва бўш ётган ерларни ўт, ўсимликларни ёқиб юборганлик ва ҳайдаганлик учун (1 га учун)	алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда тўлов миқдори уч баравар ошиқ	
Ҳалокатга учраётган ёввойи ҳайвонларни (ёнғин, сув тошқини, ем-хашак қаҳатчилиги ва бошқалар), жонивор яшаши учун хос бўлмаган шароитларга (муз устида, сувда ва ҳоказо) тушиб қолганда, шуниндек тунда ёритиш анжомлари билан тарнспорт воситалари, моторли қайиқлар ва катерлар, самолётлар ва вертолётлардан ўлдирганлик учун	1	50
	алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда тўлов миқдори уч баравар ошиқ	
	шу турга етказилган зарар тўловига 3 баравар ошиқ	



Вилоятимизнинг тоғлари, ўрмонлари турли хил жонивору паррандаларга бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу суратларда ҳайвонот дунёсининг энг нодир турларидан қўнғир айиқ ва тўнғизни кўриб турибсиз.



Жойлардан хабарлар

ҚАЙТА ТЕКШИРИШ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

• ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Ийкота жамоа хўжалигининг сут-товар фермаси атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам экологлар бу ерда тез-тез бўлиб турадилар ва текшириш ўтказадилар. Кейинги бир неча ой мобайнида уч бор шундай тадбир уюштирилди. Уларнинг бири ўтган йилнинг сентябрида, иккинчиси 1995 йилнинг февралида ўтказилган эди. Ўшанда фермада экологик аҳвол ниҳоятда аянчли аҳволда эканлиги кўрсатилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилган эди. Бу топшириқлар қандай бажарилди? Яқинда ўтказилган навбатдаги текширувда унинг ижроси билан шуғулланилди. Лекин бу ерда аҳвол «эски ҳаммом, эски тослигича» давом этаётганлиги аниқланди.

Сут-товар фермасидан чиқаётган оқова сувлар ҳали ҳам тозаланмаяпти. Бунинг учун махсус тиндиргичлар куриш тавсия этилган эди. Бундай иншоот ҳамон барпо этилмаганлиги оқибатида ифлос оқовалар очиқ сув ҳавзаларига тушиб ётибди.

Молхоналар турли хил чиқиндилардан ўз вақтида тозаланмайди. Идишлардаги сут сақланадиган махсус хона санитария жиҳатдан тоза ҳолда бўлиши керак. Бу ерда эса унинг аксини кўрасиз. Фермада сувни қудуқдан олиб ишлатилади. Лекин қудуқ атрофи бетонлаштирилмаган. Шунинг учун доим лой-балчиқ бўлиб ётади. Шундай камчиликларга йўл қўйган жамоа хўжалигининг мутасадди ходимларининг айримлари турли хил жарималар билан жазоландилар.

ЎЗИ КАСАЛХОНА БЎЛСА...

• БЕКОБОД тумани марказий касалхонасида табиатни муҳофаза қилиш ишларига етарли эътибор берилмаётганлиги афсусланарли бир ҳолдир. Ўзи касалхона бўлганидан кейин бу соҳадаги ишлар кўнгилдагидек уюштирилиши лозим эди. Лекин текшириш ўтказилган куни бунинг аксига дуч келинди. Экологик ҳолатни ёмонлаштиришга олиб келаётган қатор камчиликлар аниқланди. Шундан сўнг касалхона раҳбарларигига 13 та кўрсатма берилди.

Шу вақтгача муассасада сув ўлчагич асбоби ўрнатилмаган. Демак, сувни ишлатишда тартиб йўқ. Бунинг устига сувдан фойдаланиш бўйича рухсатнома ҳам расмийлаштирилмаган. Оқова сувлар қатор катта-кичик ҳовузларга келиб тушади. Уни вақтида ташиб кетиш лозим бўлгани ҳолда бу ишга бефарқ қаралмоқда. Ифлос оқовалар тупроққа сингиб унинг таркибини бузмоқда, батхўр хидлар атрофга таралиб ҳавони булғамоқда. Энг ачинарлиси шундаки, оқовалар кўпинча хлорланмасдан сув ҳавзаларига чиқариб юборилаяпти.

Бунинг устига касалхонада тозалаш иншоотлари кўнгилдагидек ишламаяпти. Илгари ўтказилган текширишларда ҳам бу камчиликлар қайд қилинган эди. Лекин касалхона раҳбарлиги кўпинча маблағ йўқлигини рўкач қилиб уни амалга оширмаяпти. Имконият қидирилса, албатта бир иложи топилган бўлур эди. Ҳозирги вақтда «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутиш умуман мумкин эмас. Табиатга зарар етказувчи манбалар бартараф этилмаганлиги учун унинг айбдорлари жазоландилар. Жумладан, касалхона бош шифокори Н. Мўминов ҳамда бош шифокорнинг ёрдамчиси С. Элмуротовларга пуллик жарима солинди.



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1995 йил 25 октябрь • № 84 (10.760)

• Бу қизиқ • Ҳар тўғрида • «Жамият» огоҳлантиради •

ТИББИЁТДАГИ КАТТА КАШФИЁТ

БЕМОРГА кўчириб ўрнатиладиган донор юраги бугунги кунгача 4 соатдан «қари бўлмаслиги» керак эди. Бу муддат ўтганидан кейин юрак тўқималари ўлабошлайди ва кўчириб ўрнатиш мумкин бўлмай қоларди. Бундай қисқа муддат кардиологлар ва уларнинг беморлари учун ҳам катта қийинчиликлар келтириб чиқарарди. Касал бўлганлар янги юрак учун ойлаб «навбатда туришади», шифокорлар эса ҳар доим ҳам трансплантация қилинадиган аъзони жарроҳлик хонасига вақтида етказиб беролмайдилар.

Ягона усул донор юрагини узоқ вақт консервация қилишдан иборат эди, бироқ худди шу муаммони ҳал қилишнинг иложи топилмади. Оқибатда юрак кўчириб ўрнатилишига номзод бўлган ўнларча минг нафар беморларга ўзларини халос қилувчи операция насиб этмасди.

Худди 1967 йилдаги каби бугал ҳам жанубий африкаликлар буни уддаладилар. Эсингизда бўлса, ўша вақтда кейптаунлик шифокор Крис Бернард тарихда биринчи марта юракни кўчириб ўрнатиш операциясини ўтказди. Эндиликда унинг Претория-даги ҳамкасблари биринчи бўлиб донор юракларини узоқ муддат сақлаш усулини топдилар. Унинг бевосита муаллифи гематолог Ольга Висер. Бу шифокор Преториядаги Фервурд номли кардиожарроҳлик касалхонаси бўлимининг мудири профессор Дирко дю Плесси раҳбарлигида ишлайди. Уларга тиббиёт биокимёси профессори Пьер Цилерс ва физиология профессори Крис Стейнман ёрдам бердилар. «Шу вақтгача юракни суюқ азот муҳитида музлатишга

Жанубий Африка шифокорларининг мисли-сиз муваффақияти

ҳаракат қилардик, — ҳикоя қилади Ольга. — Бизнинг усулимиз ундан тубдан бошқача. Биз махсус криоконсервант ишлаб чиқдик, донор юрагини азотга қўйишдан олдин унга шу криоконсервант шимдирамиз. Тажрибалар шуни кўрсатдики, юракка олдиндан шундай ишлов бериш натижасида у ўзининг барча хужайраларини сақлайди ва муздан туширилгандан кейин нормал ишлаб кетади».

Олимлар,— дея давом этади Висер,— инсон аъзоларини узоқ вақт сақлаш муаммоси устида анча вақтдан бери бош қотирадилар. Репродуктив тўқималарни консервациялашга муваффақиятли уринишлар бўлган эди, масалан, сперма, тухум хужайралари билан шундай бўлди. Бироқ бутун бир аъзо музлатилганда унинг ичида қоладиган сув тўқималарни бузарди.

Жанубий африкаликлар кашфиётининг маъноси шундаки, улар кашф этган таркиб хужайраларда қолган сувнинг хусусиятларини ўзгартиради ва у музлатилганда хужайраларни бузаолмайди. Бунда шимдириш юрак ичидаги майда қон томирлари ёрдами билан амалга оширилади, шундай қилиб аъзодаги барча хужайраларни амалда сақлаб қолишга эришилади.

Ольга Висер бу мавзу устида икки йилдан бери ишлаяпти.Дастлабки тажрибаларни чўчқа, сичқон юракларида ўтказди. Сичқон юраги 45 минут давомида ишлаб турди. Уни олимларнинг ўзлари тўхтатишди. Ольга Висер ва ҳамкасбларининг бу кашфиёти ҳозирги замон кардиологияси ва умуман тиббиётида катта аҳамиятга эгадир. Профессор Дирко дю Плесси агар Висер криконсервант таркибини такомиллаштирса уни бошқа аъзолар, чунончи, буйраклар, ўпка ва ҳатто кўзнинг мугуз пардасини ҳам консервациялаш учун қўллаш мумкин.

ҒАРОЙИБ ДАРАХТ


ҲАММА дарахтларнинг барглари бир-биридан фарқ қилишини ким билмайди, дейсиз. Уларни осонлик билан ажратиш мумкин. Лекин, ўсимликлар дунёсида шундай дарахт ҳам борки, унинг барглари турли-туманлиги, бошқа дарахтларникига ўхшашлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Бу дарахт яшаш учун курашар экан, шундай қилишга мажбур бўлади. У биздан узоқ мамлакатларда ўсади, номи эса стратосвет деб юритилади. Унинг япроқларини ён-атрофида ўсаётган ўнлаб дарахтларникидан ажратиб бўлмайди. У ўз кушандаси бўлган турли қуртларни чалғитиш учун шундай қилар экан. Бу дарахт баргларини пакқос туширишга ўрганган қуртлар кўпинча адашиб унга тегмайди. Бу ҳам омон қолиш учун ҳаёт-мамот курашининг шаклларидан бири сифатида диққатга сазовордир.

ПАШША ТУТАР

БУ ЖОНИВОРНИНГ эмас, балки ўсимликнинг номи, Шимолий ва Жанубий Американинг ботқоқзор, унумсиз тупроқли ерларида ўсувчи бу ўсимликнинг атамаси унинг ҳаёт тарзига жуда мосдир. Бундай тупроқларда ўсувчи айрим ўсимликлар кераклы озуқани ердан эмас, балки ҳашоротларни тановул қилиб олар экан. Уларнинг бири пашша тутардир.

Бу ғаройиб ўсимликнинг кафтга ўхшаган гуллари бор. Бу гуллар эски гўштнинг ҳидига ўхшаш ҳид тарқатади. Унинг икки томонга очилиб турган гуллари учида тиконсимон «мўйловлари» бор. Пашшалар унинг орасига емиш қидириб кириши билан у худди картлар ёпилгандек ёпилади, пашша қопқонга тушади ва ҳеч вақт чиқиб кетолмайди ва ўсимлик озуқасига айланади. Шуниси қизиқки шу гулларга турли хил бошқа хашоротлар бемалол қўнади, устида сайр ҳам қилади. Бироқ пашшатутар уларни ўз домига тортмайди. Фақат пашшани тутиб олади ва шу йўл билан яшаш учун аёвсиз кураш олиб боради. Бу ҳам табиатнинг бир мўъжизасидир.



Фермер хўжаликларида

ЁШ БЎЛСА ҲАМ БОШ

ИҚТИСОДИЙ ислоҳотлар жараёнида фермерларнинг ўз ўрни бор. Янги мулк эгалари орасида ёшлар жуда кўп. Улар ўз сармоялари ва ишчи кучларига қараб, ер олиб, унга муносиб эгалик қилмоқдалар. Пухта ўйланган режа асосида тадбиркорлик билан иш юритмоқдалар. Хусанали Мирзарахимов худди шундай ёш фермерлардан биридир.

Ёш фермер Бўка туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида 15 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. У биринчи йил мустақил ишлаяпти. Оила бошлиғи Далавой ака 1-гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси бўлгани сабабли ўғли Хусанали отанинг маслаҳатлари асосида фермер хўжалиги ишларини ўзи бошқармоқда. Онаси Сожида ая — Қаҳрамон она. Иноқ ва тотув оилада 11 фарзанд вояга етди. Бу оилавий фермер хўжалиги барпо этишга асос бўлди.

Оилавий фермер аъзолари далада фақат сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳосил етиштирибгина қолмай, 22 бош қорамол ҳам боқишяпти. Ўн беш гектар ерга экилган тарвуз, мош, ловия, чорва озуқаси экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Энди хирмонда ҳам, ҳамёнда ҳам барака бор. Турмушдан, рўзғордан кўнгил тинч.

СУРАТДА: ёш фермер Хусанали Мирзараҳимов. Бу тарвузлар унинг хўжалигида етиштирилган.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Сўраган эдингиз

ЧАПАҚАЙЛИК

Орамиздаги айрим кишилар деярли барча ишларни чап қўллари билан бажарадилар. Бу ниманинг оқибати? Туғма бўладими ёки кейинчалик шунга ўрганиб қоладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

С. ТОИРОВ, Бекобод тумани.

ИНСОН бош миясининг ривожланиши жараёнида унинг чап ва ўнг яримшарлари ўртасида вазифалари бўлиб олинади. Чап ярим шар улушига, тил, ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб қилиш каби муҳим ишлар тўғри келса, ўнг томони аниқ ҳолатли фаолиятни бошқаради. Ўнг оёқ ва қўл чап яримшар бошқарувида бўлади, ўз-ўзидан ўнг яримшар чап қўл ва оёқ ҳаракатини тартибга солади. Одат бўйича кўпчилик инсонларда чап яримшар устунроқ бўлади, шу сабабли ҳам ўнақайлар кўпроқ учрайди.

Бироқ мия ривожланиши жараёнида шундай бўлиши ҳам мумкинки, ўнг яримшар ҳукмронлик қилади. Бундай ҳолатда, албатта, чап қўл кўпроқ ҳаракат қиладиган бўлади. Ривожланишнинг бу икки ҳили ҳам нормал ҳисобланади, бундай ҳолда ҳеч қандай рухий ўзгаришлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Лекин турмушда ва ишлаб чиқариш соҳасида барча анжомлар ва асбоб-ускуналар ўнақайларга мўлжалланган. Шунинг учун чапақай болаларни ўнг қўл билан ишлашга ўргатиш ҳам зарур. Бу унча қийин эмас, муаммо, айниқса, ёшликда тез ҳал бўлади. Чапақайликдан асар ҳам қолмаслиги мумкин. Қолгудек бўлса ҳам ҳавотирланадиган жойи йўқ. Икки қўлни баравар ишлата билиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, кўп вақт давомида қўл билан зўриқиб ишлашни талаб этувчи касблар, масалан, жарроҳлик, соат тузатувчилик, рассом ва бошқалар асосан чап қўлда ишласалар ҳам хат ёзишда ва овқатланишда ўнг қўлдан фойдаланадилар. Чапақайлик иллат эмас, табиий бир ҳолатдир. Бундай кишиларнинг ўнақай бўлишлари қийин эмас, бунинг учун вақтида машқ қилишлари лозим холос. Қисқаси чапақайлар рухий жиҳатдан ўнақайлардан фарқ қилмайдилар.

БУЛ-БУЛ — ДАКАНГ ХЎРОЗ

Бир неча асрлардирки, Англия ва Испанияда хўроз уруштириб келишади. Бу одат ҳозир ҳам барҳам топмаган.

Қанотли паҳлавончаларнинг жанги кўнгилчан одамларнинг эмас, ашаддий ишқибозларнинг томошасидир. Бу «мухлислар» орасида бутун-бутун бойликларини қиморга тикиб юборадиганлар ҳам оз эмас. Жангари хўрозларни махсус фермаларда кўпайтириб, уларни атайин узоқ вақт «жанг»га тайёрлашади.

Буни қарангки, Шимолий ва Шарқий Африкада, чунончи Жанубий Осиёда биз билган хўрознинг «рақиби» яшар экан. Оёқлари калта ва бақувват бу қораялоқни бул-бул, деб аташаркан. Бу парранда танасининг узунлиги 20 сантиметрга боради. Кулранг бул-бул Шимолий Африкада энг номдор сайроқи жарчи саналади. Ҳиндистонда эса, уни уруштириш учун тутишади. Бул-буллар олишуви хўрозлар жангидан сира-сира қолишмайди.

ГЎДАКЛАРНИ ТЕБРАТМАНГ

Болаларга қўпол муносабатда бўлишга қарши кураш бўйича Англия миллий жамияти бонг уради

БУ ЖАМИЯТ инсониятнинг гўдакларни тебратиш бўйича кўп асрлик тажрибаси ёмон оқибатларга олиб келишини амалда исбот қилиб, бу усулни қаттиқ танқид қилмоқда. Беозоргина бўлиб туюлган тебратиш фақат миянинг жароҳатланиши ва қаттиқ шикастланишигагина эмас, энг хавфлиси ҳатто гўдакнинг оламдан ўтишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин экан.

Шу нарса тўла аниқландики, тебратилган янги туғилган чақалоқнинг калласига айланувчи (ротацион) куч таъсир қилади. Уйқучанлик, қайт қилиш, конвульсия (тортишиш), нафас олишнинг бузилиши, хушни йўқотиш, шок тебратишнинг жароҳатлантирувчи таъсири кўринишларидир.

Гўдак ухлаб ётипти деб ўйлаган атрофдагилар унга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатаолмасликлари мумкин, бундай ҳолда сусткашликка йўл қўйиш ўлим билан баробардир. Хушини йўқотган болада бироз вақт ўтганидан кейин миянинг асабийлашиши, мияда шиш пайдо бўлиш ёки ички қон қуйилиш аломатлари пайдо бўлади. Бунда ҳолатнинг кескин ёмонлашиши, тиришиш юз бериши, нафас олиш ва қон айланишнинг тўхтаб қолиши мумкин.

Кўз тўр пардасига қон қуйили-

Ҳаёт ва фарзанд

ши бемор чақалоқларнинг 70 — 80 фоизида аниқланди, орқа мия суюқлиги тадқиқот қилинганида аниқ геморрагия ёки қон пигментлари борлиги маълум бўлди. Шунингдек гўдак болани тебратиш вақтида кўкрак қафаси жароҳатланиши, ҳатто қовурғаларнинг синишигача бориши мумкин.

Кўп вақт ўтганидан кейин ақлий ривожланиш тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Ҳатто мушакларни қисилиши, ҳаракат қилиш бузилиши, сўқир бўлиб қолиш, тиришиш, гидроцефалия бўлиши, энг хавфлиси болалар ҳушига келмай оламдан ўтишлари мумкин, тирик қолганлар эса ақлий ривожланишда кескин орқада қоладилар, ҳаракатланишда оғир бузилишларга мубтало бўладилар.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, гўдакларни тебратиш одат бўйича чақалоққа етарли эътибор берилмаслиги оқибатида тўхтовсиз давом этадиган йиғисини ҳаддан ташқари асабий қабул қилувчи кишиларга ҳосдир. Руҳий зарбага учраган кишилар ҳам болаларга нисбатан қўпол муносабатда бўлишга мойилдирлар.

Англиялик тиббиётчилар тебратишнинг хавфли эканлигига нисбатан жамоатчилик эътиборини кучайтиришга интилмоқдалар. Буни ўзларининг чақалоқ фарзандларига саломатлик тиловчи ўзбек ота-оналари ҳам жиддий эътиборга олишлари, ҳар гал гўдакни тебратаётганда унинг оқибати ҳунук бўлишини ҳам ҳисобга олишлари лозим.



Қулупнай қиёми жуда тотли экан.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.



ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЎЗБОШИМЧАЛИК ДЕГАНИ ЭМАС

Вилоят давлат солиқ бошқармаси Бекободда ўтказган текширишлар нималарни кўрсатди?

Бошқа соҳалар қатори савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини хусусийлаштириш изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб таркибий қисмини ташкил этади. Вилоятимизда минглаб савдо нуқталари ўз эгалари қўлига топширилди. Бундан мақсад эса аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва турларини кўпайтиришдан иборат. Хўш, ҳамма жойда ҳам ана шунга эришилаяптими? Аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари тўла қондирилаяптими? Вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари Бекобод шаҳрида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ўтказган текшириш бу соҳада жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди.

Текшириш ўтказилганда хусусийлаштирилган дўконлар ва ошхоналарда харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, истеъмол муддати ўтган маҳсулотларни аҳолига сотиш, нарх кўрсаткичларини қўймаслик, ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, олинаётган даромадни яшириш, назорат касса аппаратларидан фойдаланмаслик оддий ҳолга айланиб қолган. Умумий овқатланиш корхоналарида эса айниқса кўзбўямачилик авж оляпти. Таомномалар тузиш умуман унутиб қўйилган, таомларга маҳсулотларни қаердан ва қанча миқдорда олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирилмаётир. Бундай ўзбошимчаликка эса асосан биргина мақсад — ўз фойдасини кўзлаш учун атайлаб йўл қўйилаяпти.

ҲАР БИР ИШНИНГ ЎЗ ТАРТИБИ БЎЛАДИ

БЕКОБОД шаҳар деҳқон бозори ёнида жойлашган металлургия заводининг умумий овқатланиш корхонасидан хусусийлаштирилган «Дўстлик» қаҳвахонаси Р. Абдуллаев номига расмийлаштирилган. У шаҳар ҳокимининг қарорига биноан фаолият кўрсатиш учун қайднома — гувоҳнома олган. Шу сабабли қаҳвахонада қоида бўйича унинг бир ўзигина ишлаши лозим. Аммо Р. Абдуллаев қоидага хилоф тарзда хотини М. Абдуллаева билан бирга яна икки кишини ошхонада ишлашига йўл қўяётир. Гарчи қайд гувоҳномаси бўлмаса ҳам бу шериклардан бири шу ерда кабоб пишириб сотяпти. Иккинчиси эса идиш-товоқларни ювиш билан банд. Бу ҳам етмагандек Р. Абдуллаев ўз жияни Ғ. Муҳторов ва М. Ҳайдаровга ҳеч қандай шартномасиз қаҳвахонанинг буфет хоналарини фойдаланиш учун бепул бериб қўйибди. Улар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмай, савдо-сотиқ билан шуғулланаётирлар. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси текшириш ўтказган куни шу ерда рухсатсиз 93 шиша пиво, 3 шиша арақ, 8 шиша коньяк ва тамаки маҳсулотлари билан харидорларни хушнуд қилаётганларида ушландилар. Бундан ташқари буфетнинг ёрдамчи хонасидан 1372 дона ярим литрли ҳажмдаги бўш шиша идишлар ҳам чиқди. Текширувчилар буфет ғазнасида 1559 сўм ҳамда 4 минг Россия рубли борлигини ҳужжатлаштирдилар. Қаҳвахонада ноқонуний савдо-сотиққа йўл қўяётгани учун Р. Абдуллаевнинг иши судга оширилди. Шаҳар суди қарори билан қаҳвахона ғазнасидан чиққан пул ва маҳсулотлар мусодара қилиниб, айбдорлар маъмурий жаримага тортилдилар.

«Маҳкам» хусусий корхонаси ҳам Бекобод шаҳар умумий овқатланиш корхонасидан хусусийлаштирилган. Ўтказилган текширишда бу ерда ҳам қонунга хилоф иш қилинаётгани аниқланди. Тайёрланаётган овқатларга маҳсулотлар бозорлардан сотиб олинаяпти-ю, бироқ улар ҳисоботларга киритилмаётир. Овқатларга калькуляциялар тузилмаган ва таомномалар ёзилмаган. Ошхона эгаси М. Маҳкамов уч нафар ишчини ҳеч қандай шартномасиз қаҳвахонанинг буфет хоналарини фойдаланиш учун бепул бериб ишлатмоқда. Ошхонадаги аҳвол эса ниҳоятда ачинарли, идиш-товоқлар етишмайди, стол-стуллар деярли яроқсиз бўлиб қолган. Бунинг устига столлар ифлос, вақтида артиб тозаланмайди. Ошхонанинг бир томонида таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани сабабли чанг-тўзон хўрандалар овқатига ўтирмоқда. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтмаган.

Шу ошхонанинг ёнида жойлашган чойхонани М. Ғафуров ҳусусийлаштириб олган. Бу ерда ҳам маҳсулотлар ҳеч қандай кирим ҳужжатларисиз сотиляпти. Тайёрланаётган лағмон, кабоб ҳисобот дафтарларида қайд этилмаётир. Бунинг устига М. Ғафуров ходим ёллаш қонун-қоидасига хилоф тарзда иш тутиб, ошпаз А. Абдуҳамидов ва идиш ювувчи А. Қирғизбекована накд пул бериб ишлатаётир. Текширишда унинг ўз даромадини яшираётгани ҳам маълум бўлди.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, бозор ҳудудида жойлашган миллий таомлар ошхонасининг ошпази А. Ёрқулов ҳам ана шундай нуқсонларга йўл қўймоқда. Табиийки, улар бу ўзбошимчаликлари учун жаримага тортилдилар.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ўзи ўтказган текширишлар қандай натижалар берганлигини аниқлаш мақсадида яқинда қайта текшириш ўтказганида ушбу нуқсонлар биронта корхонада ҳам барҳам топмагани аниқланди. Ана шундан кейингина текшириш материаллари шаҳар давлат солиқ инспекцияси орқали қонуний чора кўриш учун шаҳар прокуратурасига юборилади.

ДЎСТМУРОДОВ НЕГА КЕТИБ ҚОЛДИ?

ШАҲАР аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан изчил таъминлаш савдо ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Аммо давлат солиқ бошқармаси ходимлари бу соҳада ҳам бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқладилар. Жумладан, шаҳар нон заводига қарашли 1-сон дўконда сотувчи М. Абдуҳамидова нонларни нарх кўрсаткичисиз ва касса аппаратидан фойдаланмай сотаяпти. Орадан бир неча кун ўтгач, қайта текшириш ўтказилганда шу сотувчининг ўзи айнан ана шундай усулда савдо қилаётгани яна маълум бўлди. Булардан ташқари нон заводида бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаётгани сабабли шу дўконда фақат бир хил — бўнконкали нон харидорларга таклиф этилаяпти. Бунинг устига булка нонлар сифатсиз, хамири ошмаган, ички қисми пишмаган, айримларининг устки қисми куйиб кетган, кўплари эзилган ва берч бўлиб, харидорларнинг ҳақҳоний норозилигига сабаб бўлаётир. Заводдан келтирилган 600 дона нондан фақат 12 тасигина сотилибди, халос. Ушбу нонларнинг вазни ўлчаб кўрилганида уларнинг ҳар бири ўртача 79 граммдан кам эканлиги маълум бўлди. Ана шу сабабли бу нонлар заводга қайтариб юборилди.

Солиқ ходимлари шаҳар нон заводида бўлиб, унинг раҳбари Н. Дўстмуродов ва масъул ходимлар И. Петросян, Ж. Бердиқулов ва Б. Ҳамидовлар билан суҳбатлашганларида улар ҳақиқатан ҳам ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот сифатсиз эканлигини тан олдилар-у, аммо ҳамма айбни унга тўнкамоқчи бўлишди. Бироқ уннинг сифатсизлигини била туриб нега бу ундан нон тайёрлашга рухсат бердингиз, деган саволга на корхона раҳбари Н. Дўстмуродов, на завод лабораторияси бошлиғи Б. Ҳамидов жавоб беролмадилар. Айниқса уларга ўзлари пиширган нонни татиб кўриш тавсия этилганида ходимларнинг барчаси ҳам бу ишдан бош тортганлари ажабланарли бўлди. Завод раҳбари Н. Дўстмуродов эса янги қурилишни баҳона қилиб, даврадан силлиқина кетиб қолди.

Солиқ бошқармаси ходимлари корхонанинг асбоб-ускуналари эскирганлиги, нон пишириш ва тарқатиш цехлари ифлослиги, нон бўлаклари оёқ остида сочилиб ётгани, корхонанинг ибратли бўлиши лозим бўлган лабораториясида эса асбоб-ускуналар чанг-ғуборга кўмилгани, деворларни ўргимчак иплари босиб кетгани ва ҳатто ишлатиш учун совуқ сувнинг йўқлигини аниқладилар.

ХАРИДОР ҲАҚҚИГА ХИЁНАТ

«Бекободсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли савдо корхоналарида харидорлар ҳақҳига хиёнат қилиш ва уларни алдаш ҳисобига кўпроқ даромад олиш авжига чиқаяпти. Жумладан, ҳиссадорлик жамиятига қарашли 80-озиқ-овқат дўконидаги кафетерий бўлими сотувчиси Рўзигул Эшмонова харидордан 9 сўм ортиқча пул олаётганида ушланди. 90-дўконда эса «Ўзбекистон» ароғи ва «Ўзбекистон» виноси ҳамда электр лампочкалари кирим ҳужжатларисиз савдо қилинаяпти. 8-дўкон сотувчиси М. Ҳамроқулова мавжуд касса аппаратидан фойдаланмасдан бемалол савдо қилаяпти. 52-дўконда истеъмол қилишга яроқсиз бўлган маҳсулотлар ҳам савдога чиқарилган. Дўконда ўтказилган инвентаризация пайтида унинг кафетерий бўлимида 60 сўм, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўлимида 160 сўм, омборхонада 45 сўм камомад борлиги маълум бўлди. Бундай нуқсонлар 28-дўконда ҳам рўй бераётир. Булар эса ўз навбатида шаҳардаги дўконларда савдода қоидабузарлик авж олганлигини, мутасаддди ташкилотлар, жумладан, шаҳар ҳокимлиги назоратни сусайтириб юборганлигини кўрсатади. Гарчи текшириш натижалари Бекобод шаҳар савдо ҳиссадорлик жамияти эътиборига ҳавола қилинган бўлса ҳам жамият раиси Ш. Эрмонов аҳволни яхшилаш юзасидан ҳеч қандай чора кўрмаган.

Хусусийлаштиришдан мақсад аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш сифатини изчил яхшилай боришдан иборатдир. Савдо-сотиқ ҳалолликни, покликни ёқтиради. Қаерда тўғри иш олиб борилса, қонун-қоидаларга риоя қилинса шу ерда иш ривож топиб бораверади. Шундай экан, Бекобод шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар шаҳардаги савдо тармоқлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш учун тегишли чора-тадбирлар кўриб, уни изчиллик билан амалга оширишлари лозим.

М. ИСМОИЛОВ,
Вилоят давлат солиқ бошқармаси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш бўлимининг бошлиғи.

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЖЕНЕВАДА БЎЛАДИГАН КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ МАҚСАДИ ШУНДАН ИБОРАТ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли бормоқда, дейиш мумкин. Унинг биринчи босқичи якунланиб, ҳозирги вақтда иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу босқичнинг энг муҳим вазифаларидан бири — хорижий сармоядорларнинг маблағларини иқтисодий ислоҳотлар жарёнини ҳар томонлама тезлаштиришга жалб қилишдан иборатдир.

Кейинги йилларда МДҲ давлатлари ичида фақат Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишидагина ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Унинг ташқи дунё билан савдо баланси яхшиланди. Миллий валютамиз қадрини оширишда силжишга эришилмоқда. Шунинг учун ҳам чет эллик фирмалар унга кўп миқдордаги қарзларни ҳам ишониб бермоқда.

Шуни ҳисобга олиб республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, шунингдек, ЮНДП, ЮНИДО ва ЮНКТАДдай нуфузли халқаро ташкилотлари Женевадаги Миллатлар Саройида шу йилнинг 26-27 октябрь кунлари «Ўзбекистонда хусусийлаштириш — шерикчилик имкониятлари» мавзуида конференция ўтказишга қарор қилдилар. Халқаро савдо палатаси ва саноатчиларнинг Европа давра суҳбати конференция хомийларидир.

Конференцияни Швейцария ҳукумати ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Женевадаги конференция Европа ва жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги мамлакатларнинг ишбилармонларига Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбар арбоблари ва бошқа аъзолари билан учрашиш, республикада иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, иқтисодий тармоқларида ҳамкорлик қилиш имкониятлари билан, иқтисодиётнинг аниқ соҳаларига ва хусусийлаштирилаётган корхоналарга чет эл инвестициясини олиб келишнинг истиқболлари билан танишиш имконини беради.

Ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган аниқ тармоқлар белгиланган. Улар деҳқончилик саноати, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, нефть кимёси, кимё, машинасозлик, металлургия саноати ҳамда туризмдир.

Конференцияга қирқта хусусийлаштириладиган корхоналар бўйича маълумотлар тақдим этилади. Бундан ташқари, бизнесменлар Ўзбекистонда ишлаш тажрибасига эга бўлган хорижий бизнесменлар билан ҳам учрашадилар. Катта миқдордаги сармояларини Ўзбекистонга ажратаётган йирик инвесторлар, жумладан, ДЭУ, Мерседес-Бенц, Лонро, БАТ, Ньюмонт вакилларининг ахборотларини тинглайдилар. Ҳозиргача жаҳоннинг бир юз йигирмадан ортиқ компаниялари ва фирмалари вакиллари конференция ишида қатнашишга розилик билдирдилар.

Женевада бўлиб ўтадиган анжуман олдидан БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиққан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик жаноблари, чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича агентликнинг директори Ф.Мақсудов юқоридаги масалалар ҳақида гапирдилар. Пировардида улар оммавий ахборот воситалари ходимларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

М.МАҲМУДОВ.

Ҳамкорлик робиталари

ЛАТВИЯ «БИЗНЕС КУНЛАРИ»ГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистонимиздаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлик, унинг бой табиий имкониятлари, ўзига хос иқлим шароитлари қатор чет эллардаги мухлисларимизни диққатини ўзига жалб қилмоқда.

Латвия ишбилармон доиралари ҳам Ўзбекистон билан яқиндан алоқа ўрната бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Ўзэкспомарказ» республика савдо кўргазма марказининг 5-павильонида ташкил этилган «Латвиянинг Ўзбекистонда бизнес кунлари» кўргазмаси иш бошлаганлиги бу борада дастлабки қадам бўлди. Латвия ривожланиш агентлиги, Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Ўзэкспомарказ» РСКМ ҳамкорлигида ташкил этилан ушбу кўргазма уч кун давом этади. «Латвиянинг Ўзбекистонда бизнес кунлари» кўргазмасида қирқдан зиёд, шу жумладан, «Латвия финиерик» Рига радио заводи, «Дзинтарс», Рига сут маҳсулотлари заводи, РАФ, «Рига винолари», «Рига дизели» каби етакчи корхона, компаниялари ўзларининг микроавтобуслари, ёғочни қайта ишлаш саноати, мебель, кондитер, парфюмерия, радио аппаратуралари, алкоголь ва алкоголсиз ичимликлар, банк хизмати, трикотаж тўқимачилик ва бошқа маҳсулотлари билан иштирок этадилар.

Кўргазманинг иш жараёни давомида матбуот конференцияси ва семинар ҳам бўлиб ўтади. Кўргазмадан латвиялик ишбилармонларнинг умидлари катта. Ўйлаймизки, ушбу кўргазма икки дўст мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

М. ИСМОИЛОВА,
«Ўзэкспомарказ» ходими.





ТОШКЕНТда Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг V анъанавий фестивали давом этмоқда. Маданият ишлари вазирлиги билан Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси биргаликда уюштирган мазкур анжуман «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар қўғирчоқ театрлари, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларидан, Россиянинг бир қанча шаҳарларидан ижодий жамоалар қатнашмоқда. Суратларда: (ўнгда) фестивал қатнашчиларидан бир гуруҳи ўзаро суҳбатда; (чапда) Тошкент қўғирчоқ театри жамоаси «Аловуддин ва сеҳрли чироқ» спектаклидан сўнг.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ФУТБОЛ

ИККИНЧИ ТАЙМДАГИДЕК ЎЙНАШГАНДА...

• Икки қитъа ғолиблари рўбарў келганда... • Қарийб 20 йилдан сўнг ўйингоҳ яна лиқ тўлди • Мухлислар яратган «тўлқин» • Ишқибозлар олқиши — ўйинчиларга мукофот

Марказий «Пахтакор» ўйингоҳи, 21 октябрь. 55 минг томошабин. Ўзбекистон — Нигерия — 2:3 (0:1).

Нигерия: Аллоисиус Агу, Остин Эгуавон, Виссиу Ипаре, Укенна Окафор, Тариба Вест, Самсон Сиасиа, Мутиу Адеподжу, Вилсон Орума (Иванко Кану, 65 минутда), Виктор Икпеба (Ожигве, 87 минутда), Даниэл Амокаши, Сандэй Олисех.

Ўзбекистон: Олег Беляков, Андрей Захаров, Фарҳод Магометов, Андрей Федоров, Миржалол Қосимов, Геннадий Денисов (Дилмурод Назаров, 54-минутда), Илҳом Шарипов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев (Равшан Бозоров 65-минутда), Сергей Лебедев (Шуҳрат Мақсудов, 80-минутда), Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов.

Учрашув ҳакамлари: Махд Али Бусаим (БАА), Камалисваран Шанкар (Ҳиндистон), Маъсуд Иноят (Эрон). Учрашув ҳакам назоратчиси Абдулла Ҳамза (Бахрейн).

ШАНБА куни «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Нигерия футболчиларининг Афро-Осиё кубоги учун дастлабки беллашуви бу ерга келган қарийб 55 минг томошабинни ҳайратга солди. Ҳа, мухлислар бундай кескин курашларга бой, юқори суръатда ўтган ўйинни анчадан бери кўрмаган эдилар. Учрашувга келган мухлислар ўйингоҳнинг байрамона безатилганидан ҳам руҳлари кўтарилди. Ҳаво ҳам саҳийлик қилиб, куз қуёши чарақлаб турипти. Иккала жамоа аъзолари учрашув ҳакамлари раҳбарлигида майдонга кириб келганларида дастлабки табрик қарсаклари янгради. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, республика футбол федерацияси президенти Абдулҳошим Муталов табрик нутқи сўзлаб, икки қитъа футболчилари ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган спорт алоқаларига янада ривож тилади. Нигерия футбол конфедерацияси раҳбари Муса Догояра жавоб табригида ҳар иккала мамлакат футболчилари бугун чиройли ўйин кўрсатадилар, деб умид билдирди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида майдон эгалари бирмунча чўчиброқ ҳаракат қилдилар. Вазиятга тўғри баҳо бера олган ва катта тажрибага эга бўлган Нигерия футболчилари фаол қарши ҳужумга ўтдилар. Улар 9-минутдаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Марказда бўш қолган Самсон Сиасиа тўпни кучли зарб билан дарвоза бурчагига йўллади. Бундай ҳолат майдон эгаларини бироз таҳликага солиб қўйди. Уларнинг ҳужумлари қовушмас, ҳимоячиларимиз эса бирин-кетин хатоларга йўл қўярди. Нигерия футболчилари яна бир неча бор ҳисобни ошириш имкониятига эга бўлдилар. Лекин улар бу имкониятлардан фойдалана олишмади. Иккинчи бўлим бошланиши билан Сандэй Олисех ҳисобни 2:0 га етказди. Ана шу тўпдан кейингина мезбонлар таваккалчиликка қўл уриб, бутун кучни ҳужумга ташладилар. Нигерия футболчилари ўйин қоидасини бузишганда Миржалол Қосимов 30 метрлар чамасидан киритган тўпидан кейин стадион биринчи бор ларзага келди. Дарвозабон Аллоисиус Агу тўпни қайтаришга уринди. Лекин Миржалолнинг зарбаси шунчалик кучли ва аниқ эдики, у тўпни тўрдан олиб чиқишга мажбур бўлди. Ишқибозлар хурсандчилиги ва қарсаклари тиниб улгурмасданоқ яна янгради. Ўйингоҳ суҳандони ҳозиргина чиройли тўп киритган Миржалолни мухлислар номидан иккинчи ўғил фарзанд билан муборакбод этди. Мана шу тўпдан кейин майдон эгаларининг ҳужуми кучайди. Энди улар дадил ҳаракат қила бошладилар. Геннадий Денисов ўрнига тушган Дилмурод Назаров дарҳол ҳужумчилар ҳаракатига қовушиб кетди. Азамат Абдураимов, Игорь Шквиринлар бир неча бор дарвозани ишғол этиш имкониятларига эга бўлишди. Лекин моҳир ҳужумчимизни қаттиқ назорат остига олган Виспу Ипаре унинг ҳаракатларини йўққа чиқара олди. Умуман шу куни Игорь Шквирин кўнгилдагидек ўйнай олмади. Команда бош мураббийси Александр Иванков учрашувдан сўнг журналистлар билан бўлган матбуот конференциясида бу фикрни тасдиқлади. У Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов ўйинидан қониқиш ҳосил қилганлигини, Игорь Шквирин эса тўла маҳоратини намойиш эта олмаганлигини, ҳимоячилар ҳаракатидан эса мутлақо қониқмаганлигини айтди. Шунингдек бош мураббий бир-бирига сира ўхшамаган икки бўлимга таъриф бериб, иккинчи бўлим кескин курашларга бой бўлганлигини таъкидлади.

Мазкур ўйин ҳақида ҳамкасабам Ўзбекистон телевидениеси ва «Молодежь Узбекистана» газетаси спорт шарҳловчиси Алишер Никимбоев ҳамда қирқ йиллик футбол шайдоси, шофёр, меҳнат фахрийси Шорасул Аҳмедовдан фикрларини сўрадим.

Алишер НИКИМБОЕВ: Агарда дастлабки дақиқаларданоқ меҳмонлар муваффақиятга эришмаганида ёки жамоамиз бутун тўқсон минут давомида иккинчи бўлимдагидек уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўйнаганда учрашув сўзсиз бошқача натижа билан якунланган бўларди. Деярли барча ўйинчилари Европа клубларида тўп сураётган ва жаҳон ҳамда халқаро мусобақаларда катта тажриба тўплаган Нигерия жамоаси билан шунчалик беллаша олганлигимиз мени мафтун этди. Агарда Ўзбекистон жамоаси шу таркибда Нигерия сингари кучли командалар билан уч-тўрт ўйин ўтказиб, тажриба тўплай олса ҳар қандай команда билан рақобат қилишига ишонаман.

Шорасул АҲМЕДОВ: Бугун футболчиларимиз ютқазган бўлишса-да, ҳафа эмасман. Агар биринчи бўлимда бироз чўчиб, суст ҳаракат қилмаганда командамиз ютқазмасди. Айниқса иккинчи бўлим менга манзур бўлди. Миржалол Қосимовнинг чиройли тўпи меҳмонларимизнинг уч тўпидан афзаллик қилса керак.

Ўзбекистон — Нигерия футболчилари мухлисларга манзур бўла оладиган чиройли ўйин ҳадя қилдилар. Гарчанд футболчиларимиз бу ўйинда рақибларига ён беришган бўлса-да, мухлислар шу куни уларга завқ-шавқ ҳадя этган футболга, футболчиларга раҳматлар айтиб ўйингоҳдан тарқалдилар.

Учрашувдан сўнг энг яхши ўйинчига таъсис этилган Япониянинг **Sanyo** (Саньо) 1000 АҚШ долларлик миқёсидаги мукофоти Миржалол Қосимовга топширилди. Энг яхши дарвозабон совринига Аллоисиус Агу, энг яхши ҳимоячи совринига Андрей Федоров, энг моҳир ҳужумчи мукофотига Сандэй Олисех сазовор бўлдилар. Шунингдек ҳар иккала жамоанинг барча аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.





Суратларда: Ўзбекистон терма жамоаси; Миржалол Қосимовга мукофот топшириш пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Билиб қўйган яхши

ОИЛАНГИЗ ТОТУВ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Германияда чиқадиган «Шпигель» журнали охирги сонида эр-хотин ўртасида жанжал чиқадиган бўлса, нима қилиш кераклиги тўғрисида тавсиялар босиб чиқарди. Шуни билиб қўйсангиз, фойдадан ҳоли бўлмайди.

• ЖАҲЛИНГИЗ чиқиб, ғазабингиз ошиб-тошиб бораётган бўлса жанжалга киму нималар сабаб бўлаётганини аниқлашни кейинга қолдиринг. Ўзингизни босиб олганингиздан сўнг бу ишни ҳал қилсангиз янада яхшироқ бўлади.

• МУАММОНИ аниқлаш учун ўз олдингизга аниқ вақтни белгилаб қўйинг. Агар уни олдиндан ҳаёлингизда пишитиб қўйсангиз янада дурустроқ бўлади.

• МУНОСАБАТЛАРИНГИЗГА аниқлик киритаётганингизда сира ҳам мавзудан четга чиқиб кетманг. Эски гапларни қўзғамаганингиз маъқул. Асло шахсга тега кўрманг.

• БИР-бирингизга қичқира кўрманг. Аёлингиз гапини ҳам эшитинг, у ҳам кўнглидагини гапириб, енгиллашиб олсин.

• БИР гапдан қолсангиз, бу асло енгилдингиз, дегани эмас.

• АГАР эр ва хотин бир тўхтамга келолмаса, учинчи шахсни (таниш, дугона ёки дўстни) суҳбатга жалб қилиш керак. Чунки, четдан қараган одамга муаммо равшанроқ кўринади.

Воажаб!

КЕКСАЙГАНДА ТИШИ ЧИҚДИ

ПОКИСТОННИНГ Панжгур шаҳридан бўлган кулол Сардор Муҳаммад 55 ёшида бахтсиз ҳодисага учраб, тишлари тўкилиб кетган эди. Шундан кейин у ўн йил ясама тиш билан юрди. Аммо, бундан бир неча ой олдин унинг милклари оғриб, тиш шифокорига мурожаат қилганида, Сардор Муҳаммадга янги тишлар чиқаётганини айтишди. Дарҳақиқат, орадан тўрт ой ўтгач, у янги тишларини кўз-кўз қилиб юрадиган бўлиб қолди. «Покистон таймс» газетасининг ёзишича, шифокорлар ҳам табиатнинг бу мўъжизаси олдида лол қолишибди...

ЭЪЛОНЛАР

Чирчиқдаги «ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги товар маҳсулотларини сотишга тақдим этади:

— техникавий металли натрий TV-113-03-40-46-90 бўйича

Сиғими 100 литр (92 килограмм) неттогача бўлган герметик ёпиқ пўлат идишларга солинган.

— яримкристалли кремний, маркаси КПЭо.

Ту-113-03-40-47-91

Шартнома нархида сотилади.

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 702108, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 8, Тошкент кўчаси, 2.

Чирчиқ «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тижорат директори телефони: 93-224, 52-513

«Тошкоопбирлашув» жамоаси кекса матлубот кооперацияси ходими, бош тафтишчи **Худойназар ҚУРБОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фотҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: № 8 Буюртма Г-0439. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6